


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

71040301-Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти, Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

T/p	бет
1. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи	4
1.1. Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи ...	4
1.2.1. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари	4
1.2.2. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари	5
2. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув вараги.....	9

1. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби *71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмууни ифодалайди.*

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) – “Транспорт хизматлари” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Олий, ўрта-махсус ва профессионал таълим тизимида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида йўл ҳаракатини ташкил этиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек, соҳани ривожлантириш, истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усувлари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуклари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолияти соҳаларида қўшишмча ва ўзгаришилар бўлиши мумкин.

1.2.2. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси;
- Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги;
- автомобиль транспорти ва йўллари соҳасидаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича юридик мақомга эга бўлган турли вазирлик, компания, концерн ва ўюшмаларга қарашли давлат ва нодавлат автотранспорт корхоналари;
- йўл ҳаракатини тартибга солиш ва бошқариш воситалари;
- мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режсаларини ишлаб чиқшида ҳисобга олиннии назарда тутилади.

1.2.3. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий –тадқиқот;
- лойиҳавий-технологик;
- ишлаб чиқариш-технологик;
- ташкилий-бошқарув;
- педагогик.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Магистратура битириувчилари магистр академик дараажасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

1.2.4. 71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

71040301 – Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорти) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битириувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Илмий тадқиқот фаолиятида:

- илмий тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амлай натижаларни таҳлил олиш ҳамда уларга тегишли ишлов бериш қобилиятига эга бўлиш;
- илмий мақолалар, маъruzalар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидағи маълумотларни мақсадға йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиши, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиши.

Лойиҳавий-технологик фаолиятида:

- халқаро тажрибаларга мувофиқ кўча-тармоқлари лойиҳа-технологик фаолияти муаммоларини чуқур таҳлил қилиш, масалаларни қўйиш ва асослаш;

- бажарилаётган тажриба-технологик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиши ва тадқиқ қилиш;

- халқаро тажрибаларга мувофиқ намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиши ва уларни қўллаш;

- илмий-амалий лойиҳалар бизнес-режаларини ишлаб чиқиши ва оптималаштириш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ишлаб чиқариш-технологик:

- ишлаб чиқариши ташкил этиш ва бошқариш;

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиши ва уларни қўллаш;

- илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавқулотда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, лойиҳа жамоасини бошқариш қобилиятига эга бўлиш;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитиши ташкил этиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Педагогик фаолият:

- мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини олий, ўрта-маҳсус ва профессионал таълим муассасаларида ўтказиш;

- ўқув фанларининг ўқитиши методикасини эгаллаш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув, услубий ва меъёрий хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирив натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

2. 71040301 – Ҳаракат ҳавфсизлиги ва уни ташкил этиши (автомобиль транспорт) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хукукий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармогидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуслари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш қўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш қўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишини билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш қўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш қўникмаларига эга бўлиши;
- йўл ҳаракати жараёнида пиёдалар ва транспорт оқими ҳаракатини самарали бошқариш, хавфсиз ташкил этиш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;
- йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, экспертиза қилиш ва уни ташкил этишни билиши;
- йўл ҳаракатини хавфсиз ташкил этиш режаларини ишлаб чиқиш, соҳада ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;
- лойиҳаларнинг техник самарадорлигини баҳолаш қўникмаларига эга бўлиш;
- меъёрий-хукукий хужжатларни техник экспертизадан ўтказишни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

транспорт оқими, пиёдалар оқими, ҳаракат тезлиги, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, кўча-йўл тармоқлари, техник воситалар, светофор, транспорт воситалари хавфсизлиги, ташишларни ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисалари, йўл-транспорт ҳодисалари экспертизаси, йўл ҳаракати, интеллектуал тизимлар, рақамли технологиялар, таваккалчилик назарияси, экспедиторлик ишлари, касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўкув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўкув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, илмий тадқиқот, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



202 йил «_____»

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги


КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари  А.Муминов

202 йил «_____»
М.Ў.

Директор в.б.  М.Эсонов



202 йил «_____»

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Йўл харакати хавфсизлиги
бош бошқармаси

И.Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Бошлиқ  полковник О.Сайдов

202 йил «_____»
М.Ў.



Ректор  С.Турабджанов

202 йил «_____»
М.Ў.

